

ЗАМИРА ИСҲОҚОВА

Нажмиддин Кубро

(рисола)

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2011

УДК 94(575)(092) Кубро
ББК 63.3(5Ў)4
И81

Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:
филология фанлари доктори, профессор Н. Комилов

Исҳоқова, Замира.

Нажмиддин Кубро (рисола) / З. Исҳоқова; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 44 б. – (Тарих ва тақдир).

Рисолада тасаввуф оламининг забардаст алломаларидан бири, кубровийлик тариқати асосчиси Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ёритилган. Буюк шайх сиймосида тафаккурий-ақлий билим билан ботиний-маърифий билим, донишмандлик, дунёвий заковат билан валийлик кашфиётлари муштарак бўлиб, бежиз у зотни авлиё ва муршидларнинг энг комили, юксак мақомлар соҳиби, тавҳид, ҳақиқат ва қалб илмларининг билимдони деб таърифлашмаган.

Рисола Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Кубро
ББК 63.3(5Ў)4

ГДБ Ўзбекистон
ИНВ № 331753
ISBN 978-9943-336-33-7 © «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

Сўзбоши

Тасаввуфнинг машхур тариқатларидан бири бўлган кубровийлик Хоразм заминида вужудга келди. Унинг асосчиси – миллат ва диннинг порлоқ юлдузи, ўз замонасининг қутби дея улуғланган буюк инсонпарвар ва ватанпарвар Шайх Нажмиддин Кубро қадимги Хивада туғилди.

Буюк тариқат пешвоси, офоқ ва анфус назарияси асосчиси Нажмиддин Кубронинг бой маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш орқали тарихимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизнинг нақадар мумтоз ва улуғворлиги, у зотнинг ҳаёти ўзлигини англаб етган инсон учун ибрат ва сабоқ эканлигини ҳис этамиз. Шайхнинг сўзлари қалбларга файз ва шукуҳ олиб кирган, ўлган қалблар тирилган, ҳар бир гўша, ҳар бир қалбга илоҳий калом кириб борган. Зеро инсоннинг яшашдан мақсади моддий бойликдангина иборат эмас, балки маърифат ва руҳий бойлик ҳам лозим. Чунки маънавий қашшоқ халқнинг давлати қанчалик бой бўлмасин, залолатга маҳкумдир. Жамиятда ахлоқий-руҳий камолотни шакллантирувчи воситалардан бири тасаввуф йўли бўлса, аждодлар меросини ўрганиш миллатимиз келажаги учун қўйилажак пойдевордир.

Нажмиддин Кубро бутун умр инсон поклиги, илоҳий маърифат учун курашди, дунёвийлик билан илоҳийликни қўшди, мардлик ва маънавий юксалишдан сабоқ берди, барчага унинг ҳаёти ибрат намунаси бўлди. Шу боис унинг мероси қадрланиб, авлодлар эъзози, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Ирфон осмонининг порлоқ юлдузи

Кўҳна Хоразм азалдан илму ирфон бешиги, фан ва маданият, маънавият ва маърифат маркази бўлган. Хоразм заминида буюк инсонлар кўп ўтганки, бундай зотларнинг табаррук номларини, бебаҳо мероси ва маънавият хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, уларни кенг оммага таништириш, уларнинг маънавий қудратимиз рамзи ва донишмандлик тимсоли эканлигини таъкидлаш муҳим. Ана шундай сиймолардан бири Шайх Нажмиддин Кубродир.

Нажмиддин Кубро тафаккурий билим билан кароматни уйғунлаштирган, тасаввуфдаги ирфон фалсафаси ривожига салмоқли таъсир кўрсатган зот. Аҳмад Кашмирийнинг ёзишича, *«замонасидаги авлиё ва муришларнинг қомили, юксак мақомларга, зотий-сифатий тажаллийларга эришган, шунингдек, малакут оламида кўриш, жабарут оламида учини, лоҳут оламида тавҳид ва ҳақойиқларга эришган, қалб дунёсида гарқ бўлган эди»*.

Шайхнинг тўлиқ номи Аҳмад ибн Умар Абулжанноб Нажмиддин Кубро Хевакий Хоразмийдир. Шайх Кубро, Томмат ул-Кубро, Нажмиддин, Абулжанноб, Валийтарош сифатлари билан улуғланган. У зот беҳад зийракликлари ва ақл-заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалаларни осонлик билан ҳал қилиб берганлар ҳамда у киши билан баҳс ва мунозара қилинса, ҳамиша ҳақ бўлиб чиқар эканлар. Шунинг учун исмларига Кубро номини қўшиш билан бирга у зотни буюк бало ва қазоларнинг олдини олувчи, халоскор, яъни Томмат ул-Кубро деб ҳам аташган.

Форс-тожик шоири, мутафаккири ва мутасаввифи Абдураҳмон Жомий (ваф. 1492 й.) «Нафаҳот ул-унс» («Дўстлик шаб-бодалари») асарида эҳтиром билан қайд этишича, Нажмиддин Кубро ёшлигидан илму ҳикматга қизиққан, юксак иқтидор соҳиби бўлган. Шайх ислом асослари, шариат илмларини ўзлаштиргач, Хоразмда дин илмлари бўйича тенгсиз аллома

бўлиб етишган ва илмий баҳсларда барчага енгган. У зот *валий-тарош* (валийларни парваришлаб етказувчи) дея улуғланиши боиси, Шайх Нажмиддин Кубронинг назарлари шу қадар ўткир бўлганки, қалбларида илҳом-важд жўш урган пайтда кимга назарлари тушса, валийлик мартабасини топар, илоҳий сирлар кашпофига айланар экан.

Нажмиддин «диннинг юлдузи» деган маънони берса, буним Абулжанноб Нажмиддин Кубронинг кунияти ҳисобланиб, «дунёдан парҳез қилган тақводорнинг отаси» деган маънода қўлланилган, яъни шайх тақво ва тавба посбони, деб улуғланган.

Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, суфийлик тариқати ва фаолиятига оид кўплаб тазкиралар ёзилган. Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти Дорошукунинг «Сафинат ул-авлиё», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Риёз ул-орифин», Мавлавий Ғулом Сарвар Соҳиб Лоҳурийнинг «Ҳазинат ул-асфийё», Ҳожи Халифанинг «Тухфат ул-фуқаро», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Султон Мансур ибн Бойқаронинг «Мажолис ул-ушшоқ», Мавлоно Минҳожиддиннинг «Табақоти Носирий» асарларида келтирилган. Шунингдек, Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, кароматлари, қахрамонликлари ҳақида халқ орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд бўлиб, маноқибларда шайхнинг таржимаи ҳоли билан бирга у зотнинг кароматлари ҳам баён қилинган.

Рус шарқшунос олими Е.Э. Бертельс Нажмиддин Кубронинг таржимаи ҳолини илк бор тадқиқ этиб, ўз даврининг ёрқин шахсларидан бири деб таърифлаган. Айрим тарихий шахслар ва саналардаги чалкашликларни изоҳлаб, шайхнинг 25 та рубоийси ҳамда «*Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси*» маноқибини эълон қилган.

Комиллик йўли

Тасаввуф комиллик йўли, миллий, маънавий мерос, умуминсоний қадрият ҳамдир. Тасаввуф инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи фалсафий таълимотлар билан узвий боғланган. Тасаввуф инсоннинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни, ҳалоллик, меҳнат, виждон, иймон каби хислатларни фалсафий таҳлил этишнинг ўзига хос йўли бўлса, Нажмиддин Кубро янги йўналишга асос солган буюк мутафаккир алломадир.

Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хевакий Хоразмий 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. Отаси ўз даврининг зиёли кишиларидан бири бўлган. Илмга чанқоқ Нажмиддин Кубро мадрасани тутагач, ўн олти ёшларида ўз билимини ошириш мақсадида ўша даврда илм-маърифат марказига айланган Араб халифалиги, Миср ва Эронда бўлиб, ҳадис ва фикҳ илми билимдонлари суҳбатида бўлади, номдор фақиҳнинг овозасини эшитиши билан йўлга тушиб, ундан сидқидилдан сабоқ олади. Устоздан кўнгли тўлмаган ҳолларда унинг ижозатини олиб, яна йўлга тушади.

Хуросон тасаввуфи намояндаси Рукниддин Алоуддавла Симнонийнинг (ваф. 1336 й.) зикр этишича, Нажмиддин Кубро Ҳамадон шаҳрида машхур муҳаддисдан ҳадис илмини ўрганаётган пайтда Искандария шаҳрида «олий санадлар билан ҳадис биладиган» муҳаддис борлигини эшитиб, Ҳамадондаги устозидан рухсат олиб, зудлик билан Искандарияга жўнайди ҳамда бир ой ичида илмини пухталаб, устоз алломадан ижоза хати олиб орқасига қайтади.

Нажмиддин Кубро Бағдод, Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул шаҳарларида ўз даврининг мутакаллим ва алломаларидан шариат илми, ҳадис ва тафсири чуқур ўзлаштириб, донишманд бўлиб етишади. Лекин эгаллаган илмларидан қониқмасдан, ўз қалбида кечаётган рухий изтироб ва ғалаёни англашга ҳаракат қилади. Шариат илмларини ўрганиш баробарида Нажмиддин Кубро тариқатдан хабардор бўлишга интилиб, қатор шайх ва дарвешлар суҳбатидан баҳраманд бўлади. Чунки шайхнинг ғайб асрори, каромат ва кашфу ҳол, маънавий камолот илми бўлган тасаввуфга иштиёқи баланд эди. Унинг устозлари Шайх Рўзбехон

Мисрий (ваф. 1189 й.), Шайх Аммор Ёсир (ваф. 1187 й.) ва Шайх Исмоил Қасрий (ваф. 1193 й.) ҳам унинг бу интилишини англаганлар ва зимдан қувватлаганлар. Бироқ тасаввуфда риёзат чекмай, ваздий ҳолатлар сирини кашф этмасдан мақсадга эришиб бўлмаслигини эътиборга олсак, улар Нажмиддин Кубродаги зоҳирий билимларга маҳлиёлик кайфияти ва фикрларини бартараф этиб, хилват ўтириш, мувоқабага берилиш, зикру самоъга қатнашиш орқали янгича руҳий-ҳиссий ҳолатлар билан яшашга, тасаввуфий ҳаёт тарзини қабул қилишга ўргатадилар.

Шайхлар тарбиясини олгандан кейин Нажмиддин энди оламга бошқача қарайдиган, илҳом-истеъдоди чашмалари кўзи очилган, басират назари қувват топган одамга айланади. У камолот мартабаси кўтарилади ва фақат китоблардаги билимларни такрорлайдиган олимлар тоифасидан қутулиб, эркин-озод мушоҳада этадиган, илоҳий ҳикмат айта оладиган ҳамда исломнинг ботиний моҳиятини теран идрок этиб, ваҳдат ва тавҳидни бутун вужуди билан, тафаккурий идроқи билан ҳис этиб, бу билимларни бошқаларга етказа оладиган буюк маърифатпарвар шайх мартабасига эришади.

Табризда Нажмиддин Кубро ҳаётида кескин бурилиш содир бўлади, яъни у Бобо Фараж исмли бир мажзуб (девона) дарвеш билан учрашади. Бобо Фаражнинг каромати таъсирида уламолар билан суҳбатни тарк этиб, астойдил тасаввуфга берилади, ботиний оламни равшанлаштириш учун яна пири муршид қидиришга тушади.

Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида Нажмиддин Кубронинг «дониишманд киши бўлганлиги ва ҳеч кимга бўйин эгмаганлиги» сабабли ўзига муносиб пири муршид топишга қийналганлигини ёзган. Шундай бўлса ҳам, Ҳамадон шаҳрида Шайх Аммор Ёсир (ваф. 1187 й.) ҳузурига бориб, унинг хизматида бўлади. Аммор Ёсир такаббурлиги ва ақлидаги ноқисликни бартараф этиш учун уни Шайх Исмоил Қасрий (ваф. 1183 й.) тарбиясига юборади. Исмоил Қасрий Нажмиддиндаги такаббурлик, зоҳирий илмларга бино қўйиш майлини синдириб, унинг маънавий-маърифий камолот даражасига кўтарилишига ёрдам беради.

Нажмиддин Кубро «*Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол*» («Жамол хушбўйликлари ва жалол кашфи») асарида Шайх Ам-

морнинг рухсати билан хилватга киришни ният қилгани, аммо ҳаёлида: «Зоҳирий илмларни пухта эгаллаганман, агар гайбий илмлар эшиги очилса, бу илмни минбарларга олиб чиқиб, Ҳақ толибларига етказаман» деган ният пайдо бўлгани, ана шу фикр билан хилватга киргач, бирор натижага эришолмай, қайтиб чиққани, Шайх Аммор унинг бу аҳволдан воқиф бўлиб, «Аввал ниятингни тузат, кейин хилватга кир» деб насиҳат қилганини ёзади. Шайх сўзидан таъсирланган Нажмиддиннинг қалбига нур порлаб киргандай бўлади ва бор бисотини фақирларга тарқатади. Эғнида бир жубба (пўстин) қолгач, қатъий азму қарор билан дейди: «Бу хилватхона менинг қабрим, бу жубба менинг кафаним ва менинг бошиқа борадиган маконим йўқ». Шайх унга «Ниятинг бутун бўлди, энди хилватга киришинг мумкин» деб хилватга ижозат беради. Нажмиддин Кубро бу ҳақда ёзади: «Шундан кейин хилватга кирганимда ажойибот содир бўлди – ҳол мартабаси итмоми (ниҳояси)га эришдим. Шайх баракоти ва ҳамияти туфайли менга маърифат футуҳоти эшиклари очилди».

Нажмиддин Куброга устозлик қилган уч пири комил – Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрий қалб саховати билан бирга мурид тарбиясида қаттиққўл бўлиш, ботиний кўз билан муриднинг ҳаёллари, руҳиятини уқиб олиш ва руҳий таъсир ўтказишга қобилиятли илми ҳол эгалари бўлганлар.

Шайх Аммор Ёсир соликнинг «ноқисларни такомил этиш ва муридларни тарбиялашда, уларнинг тушлари ва фикрларини таъбир этишда, иккиланишларни бартараф этишда шуҳрат қозонган» бўлса, Шайх Рўзбеҳон Мисрий «аксар вақт истиғроқ мақомида бўлиб», важд ва илҳом ичида юрар, илоҳий маърифатдан завқи тошиб, бу ҳолатни муридларга юқтирарди. Шайх Исмоил Қасрий рақсу самоъ, имо-ишоралар йўли билан мурид қалбини ром этиб, ботинини поклаш ва шу орқали илоҳиётга чексиз муҳаббатни сингдиришда машҳур бўлган. Ҳар учала шайх ҳам тариқатни шариатдан ташқари тасаввур қилмаганлар, аксинча, шариатни тариқатнинг зоҳири, тариқатни шариатнинг ботини деб билганлар.

Нажмиддин Кубро маърифат илмидан тўла баҳраманд бўлгач, унда валийлик аломатлари кўринади. Шайх Исмоил унга иродат хирқасини кийдириб, Хоразмга қайтишни ва у ерда тариқатни жорий этишни буюради.

Иродат хирқасини олган Нажмиддин Кубро Мисрга, Шайх Рӯзбеҳон ҳузурига боради. Шайх уни яна бир марта имтиҳон қилиб, тариқат одобининг нозик жиҳатларигача ўзлаштирганига қаноат ҳосил қилади. Нажмиддин Кубро пирининг маслаҳати билан 1185 йилда оиласи билан Хоразмга келади. Бу вақтда у қирқ ёшларда бўлиб, йигирма беш йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган, оғир ва маънавий етуклик ва комиллик йўлини босиб ўтган эди.

Нажмиддин Кубро олий мақсад манзилига етган, бошқалар қалбини дину диёнат, шариат ва тариқат, маърифат ва ҳақиқат чашмаларидан қондиришга қодир муршиди комил, қалби ва руҳониятида Жайхун дарёси каби муаззам кенглик файзи камол топган, кўнгилларга илоҳий нур таратувчи маърифат ва ҳақиқат денгизига айланган эди.

Янги тариқат асосчиси

Хоразм аҳли Шайх Нажмиддин Куброни ихлос билан қабул қилиб, тариқатга эътиқод қўяди. Нажмиддин Кубро Хоразмда катта хонақоҳ қурдириб, тариқатда янги бир йўналиш – кубровийлик силсиласини асослайди. Тариқатнинг бош мақсади кишилар қалбидан нафси амора (ёмонликка ундовчи нафс) эҳтиросларини сиқиб чиқариш, руҳий-маънавий камолотга даъват этиш, кўнгилга мардлик, поклик, сидқу сафо ғояларини сингдириш, илоҳий маърифат нуридан баҳраманд этиш бўлган. Кубронинг қўли остида турли табақа ва тоифага мансуб юзлаб муридлар тарбияланиб, ислом маърифати, ирфон илмидан баҳра олганлар. Нажмиддин Кубро шогирдларини эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этган. Муридлари орасидан Шайх Мажиддин Бағдодий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Шайх Рукниддин Алоуддавла сингари мусулмон оламига номи кетган валий инсонлар етишиб чиққанлар.

Нажмиддин Кубро табиатида донишмандлик, мангикий тафаккур ва мажзублик уйғунлашиб кетганки, унинг сўфиёна амаллари ва қарашларида ҳам хилма-хил томонлар кўзга ташланади. Хонақоҳда хилватнишинлик ва чилла ўтириш ҳам, ботиний-ҳафий зикр, қизгин баҳс-мунозара ҳам, самоъ маж-

лислари ҳам бўлиб турган. Кубро мурид тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг қайси мазҳаб ва оқимдан бўлишидан қатъи назар, маънавий юксалиши ҳамда тариқат илмини чуқур эгаллаши учун илоҳий файз орқали таъсир кўрсатган. Нажмиддин Кубро ҳамиша бир ҳолатда бўлмаган, баъзан бирдан жўшиб, ўзга кайфиятга кириб, вужуди балқиб кетган, баъзан ҳазин ва ўйчан, ғоят камгап бўлиб қолган, баъзан хушчақчақ ва очиқ чехра билан суҳбатга берилган, ғоят нозик дид ва ўткир сўзлар билан муридлар қалбига оловли чўғ ташлаган, турли ишоралар, ҳаракатлар, руҳий кароматлар орқали атрофдагиларни ҳайратга солган.

Шайх бағоят зукко, салобатли, ҳайбатли киши бўлган, кечалари аксар бедор ўтириб, ибодат қилган, сурункали рўза тутишни одат қилиб, илҳомли дамларда хонақоҳ ҳовлисини кезиб, сайр эгган. Ўз нафси билан ҳисоб-китоб қилишни энг яхши ҳисоб-китоб деб ҳисоблаган.

Шайх Нажмиддин Кубро асос солган тариқатнинг ўзига хос жиҳатлари унинг дунёқарашида ҳам, амалий ишларида ҳам кўзга ташланади. Нажмиддин Кубро Мухаммад с.а.в.нинг «Ўлмасдан бурун ўлингиз» ҳадиси моҳиятини тариқат йўлининг ихтиёрийлиги ва кўнгиллилиги билан боғлайди: «Табиий равишда ўлиб, руҳни бадандан тарк эттириш, ўлим ва ҳаёт яратилиш ибтидосидан то сўнгги нафасгача инсонда яширинган, инсон Ҳақ муродини ўз мақсади бўйича ихтиёр этиши керак, зеро ўлим ҳақиқий ҳаётнинг натижасидир».

Нажмиддин Кубро ўзининг «Кўнглим кўзи билан кўрганларим» асарида шундай ёзади: «Дунёнинг бир қисмини кезиб, ишларни синовдан ўтказдим, турли амаллар билан шуғулланиб, маълум кишилар билан мулоқотда бўлдим. Буюк ишларни амалга ошириб, барча нарсаларнинг аччиқ-чуқугини татиб кўрдим. Китобларни текшириб чиқиб, олимлар хизматида бўлдим. Дунё истаб умримни бекорга ўтказдим. Кўп ажойиб нарсаларни кўздан кечириб билдимки, энг тез ўтиб, энг тез завола топадиган нарса умр ва дунё экан. Ҳеч бир нарсани ўлим ва охиратдан яқинроқ, ҳеч бир нарсани умид-истакдан узоқроқ ва ҳеч бир нарсани таъанний (огирлик ва матонат)дан яхшироқ кўрмадим».

Нажмиддин Кубро нафснинг покизалиги фақат пайғамбарларга ва кўнгилнинг тириклиги авлиёларга хос экан-

лиги, ҳар қанча қидирилса ҳам, тинчлик ва роҳат дунёдан воз кечиш ва уни тарк этишдан бошқа нарсада эмаслиги, буюк Тангри билан унсу улфатда бўлиш фақат одамлардан узилиб, гўшада ўтириш, шайтонга қарши кураш инсоннинг ўз нафсига қаршилиқ ва унга душманлик билдириш йўли билан амалга ошишини эътироф этган.

Нажмиддин Кубро фикрича, дунё – ўйлаш ўрни, ибрат манзили, ишрат саройи, кўприк биноси, мўминларнинг экинзори, қидирувчиларнинг бозори, интилувчиларнинг савдо дўкони, изланувчиларнинг улови, сулуқ йўлига кирганларнинг маънуқаши, солиқларнинг ўтар жойи, орифларнинг ахлатхонаси ва шайтонларнинг ўлкасидир. Дунё ҳар лаҳза ўзи учун бир дўст танлайди, ҳар соат бировни ўлдиради. Уммоннинг қирғоғи ва унда чўкканларнинг сон-саногии йўқ. Уни севганлар йўлдан озганлар, унга ишонганлар ўлим бўсағасида бош қўйганлардир. Ундан воз кечган фароғатда яшайди, унга интилган фақат у билан шуғулланади, унинг билан савдо қилган адашади, унга кўнгил берган йўлдан озади.

Нажмиддин Кубро ақл ва нафсни бир-бирига қиёслаб, ақл билан нафсни икки қадимий душман кишига ўхшатади, яъни уларнинг ҳар бири ўз қўлида яланғоч қилич тутиб, иккинчисини ўлдиришга шайланиб, бир лаҳза ҳам бир-биридан кўз узмайди. Қай бирини ғафлат босса, ўша заҳоти мағлубиятга учрайди. Ўз нафсига золим бўлган киши унинг шарридан қутулиб, ҳийла ва макрлардан четда қолади. Буюк Аллоҳ шундай марҳамат қилган: «*Ва минҳум золимун ли нафсиҳи*» (Улардан баъзилари нафсига зулм қилгандир).

Нажмиддин Кубро тариқат аҳлининг заиф кишилар олдига тоат-ибодатни безаб кўрсатиши, ўз ишига катта баҳо бериб, риё ва мунофиқлик қилиши, ҳалқ томонидан кўрсатилган ихлосни ёқтириб, қўлни ўптириши, ўзининг табарруқ саналиши ва зиёрат қилишларини хуш кўриши, одамлар олқишини исташи, самов мажлисларида ҳозир бўлиб, хориқуллода одат (фавқуллода ҳодисалар кўрсатишга интилиши), сунъий суратда (хўжақўрсин учун) рўза тутиб, оз овқатланишни кўрсатиши, ёлғондан йиғлаши, лаблар билан тамшаниб, кўз билан ишора қилиши, қалби хузурсиз Аллоҳга ёлвориши, ямалган либослар кийиши, тушлар кўриб ўтмиш ва келажак ҳақида ҳукм юргизиши, ожиз

кишиларни кўриш билан тоат-ибодатда муболаға қилиши, аммо хилватда (ёлғиз қолганда) ибодатда дангасалик қилиши, мажлисларда тўрга ўтиб, самоъ мажлисларида ҳаддан ошишини танқид қилган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг ҳузурига Эрон, Ўрта Осиё, Миср, Кавказ, Шом, Ироқнинг турли жойларидан муридлар келиб, тарбия топганлар, шайх маърифатидан баҳраманд бўлиб, унинг суҳбатида иштирок этганлар.

Маноқибларда ёзилишича, мўғуллар истилоси арафасида шайхнинг тўрт юздан ортиқ муридлари бўлиб, улар орасида номлари тарихда қолган, ўзлари ҳам шайх ул-машойих даражасига кўтарилган Шайх Мажиддин Бағдодий (ваф. 1219 й.), Шайх Саъиддин Ҳамавий (ваф. 1252 й.), Шайх Сайфиддин Боҳарзий (ваф. 1261 й.), Шайх Нажмиддин Розий Доя (ваф. 1256 й.), Шайх Розиддин Али Лоло (ваф. 1244 й.), Шайх Жамолиддин Аҳмад Журфоний (ваф. 1269 й.) ва бошқалар бўлган. Бундан ташқари, Шайх Нуриддин Абдурахмон Исфарионий (ваф. 1317 й.), Абул Макорим Рукниддин Алоуддавла (ваф. 1336 й.) ҳам бевосита бўлмаса-да, бироқ нисба бўйича Нажмиддин Кубро муридларидирлар. Уларнинг ҳар бири тасаввуф тарихида ўз мавқеига эга бўлганлар, кубровийлик тариқатининг давомчилари ҳисобланадилар. Кубровийлик Шарқ мамлакатларига тарқалиб, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларининг тарқалишига ёрдам берди.

Тариқатлар силсиласи

Шайх Нажмиддин Кубро шаҳид бўлганларидан сўнг, унинг ишларини шогирдлари давом эттирганлар. Бу жараён XVIII аср охиригача давом этган. Шундан кейин кубровийликнинг таъсир доираси камайган.

Ҳозирги кунда Европа мамлакатлари ва бошқа давлатларда кубровийлик тариқатига эътиқод қилаётган, ушбу таълимотни ўрганаётган, тарғиб қилаётган кўплаб гуруҳ ва илмий ташкилотлар ҳам мавжуд. Жумладан, Эронда фаолият кўрсатаётган кубровийлик тариқатининг бир тармоғи бўлган неъматуллоҳия тариқатини ўрганувчи хонақоҳлар Англия, Франция, Германия,

Голландия, Австралия, Россия, АҚШ ва Покистон каби мамлакатларда мавжуд.

Тариқат – комил ахлоқ йўли бўлиб, тариқат аҳли ҳамиша Ҳақ ёдида бўлиб, каттаю кичикдан ўзларини паст тутиб, халқ хизматига камарбаста бўлганлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларида нуқсон кўрсалар юмшоқлик ва мулоимлик билан айбларини айтганлар, ҳеч бир нарсаларини бошқалардан қизганмаганлар, аксинча, уларнинг қайғу ва хурсандчиликларига шерик бўлганлар. Тариқатлар тасаввуф ғояларининг кенг тарқалишида катта аҳамият касб этган. Тариқатлар бир-биридан мазҳаб, шариатга муносабати, халқларнинг маънавий-маданий даражаси, урф-одатлари, пирларнинг тарбия усули, вазифаларига кўра фарқланган ва ўз даври ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий-фалсафий ва маънавий тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Ҳар бир тариқат вужудга келишидан бошлаб халққа камолот йўли ҳақида таълим берган. Тариқат асосини инсон маънавий камолоти (нафс тарбияси, қалб тарбияси, руҳият тарбияси, ботиний тарбия)га оид билимлар ташкил этган.

Кубровийлик тариқатидан ажралиб чиққан кичик тариқат ёки шохобчалар қуйидагилардир:

1. Фирдавсия тариқати Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзийдан бошланиб, унинг нуфузли халифаларидан бири Бадриддин Фирдавсий (ваф. 1300 й.) номи билан боғлиқдир. Ушбу тариқат Ҳиндистоннинг Деҳли ва Бихар вилоятларида кенг ёйилган.

2. Нурия тариқати асосчиси Нуриддин Абдурахмон Исфарионий (ваф. 1317 й.) бўлиб, кубровиянинг Бағдоддаги шохобчасидир.

3. Рукния тариқати кубровиянинг Хуросондаги шохобчаси бўлиб, номи тариқат асосчиси Рукниддин ибн Абулмакорим Аҳмад Алоуддавла Симноний (ваф. 1336 й.) номидан олинган. У Хуросон тасаввуф оламида буюк мутасаввиф ва валий зот деб улуғланган.

4. Ҳамадония тариқати Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида кенг тарқалган. Рукния тариқатидан ажралиб чиққан ушбу шохобча Саййид Али Шаҳобиддин Ҳамадоний (ваф. 1385 й.) номи билан боғлиқ бўлиб, ҳинд диёрида ислом динининг тариқат орқали кенг ёйилишида бу зотнинг хизмати каттадир.

5. Иғтишошия тариқати асосчиси Исҳоқ Хутталоний (ваф. 1423 й.) бўлиб, Хуросонда тарқалган.

6. Нурбахшия тариқати Исҳоқ Хутталонийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Нурбахш (ваф. 1464 й.) номи билан боғлиқдир.

7. Неъматуллоҳия тариқати асосчиси Саййид Неъматуллоҳ Валий (ваф. 1431 й.) бўлиб, Эронда кенг тарқалган. Мазкур тариқатнинг ғарб мамлакатларида ҳам хонақоҳлари мавжуд. Тариқатнинг ҳозирги раҳбари доктор Жавод Нурбахшдир.

Кубровийлик тариқатининг шохобчалари турлича бўлса ҳам, асл мақсад ва маслаклари бирдир. Юқорида зикр этилган тариқат йўналишлари Шайх Нажмиддин Кубро томонидан назарий асосланган қоидаларга таянади.

«Ал-усул ал-ашара» – камолотнинг ўн қоидаси

Шайх Нажмиддин Кубро мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиққан. Унда ўн талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш, покланиш ва маърифатга эришиш йўллари кўрсатилган. Шайх «Рисола ат-туруқ» («Тариқатлар рисоласи») ва «Ал-усул ал-ашара» («Тасаввуфнинг ўн асоси») асарларида суфийлар тарбиясида тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, мувоқабба, ризонинг аҳамиятини эътироф этган: *«Иродали кишилар ўн аслдан ташқарига чиқмаслар, чунки бу ўн асл бошқача вужуд бўлиб, иродали шахслар бундай камолотли вужудга эришадилар. Мабо-до бирор киши «Аллоҳнинг муқаддас сирларидан воқиф шайхларнинг йўли нега метиндек мустаҳкам бўладию, бошқа кўпроқ ва озроқ минглаб мақомларга эга бўлган кишилар бу ўн аслга етиб кела олмайдилар?» деб сўраса, бунинг жавоби шуки, «машойихлар қўллаган иродали ўлиш йўли бошқалардан фарқ қилиб, унда барча мақомдаги ҳолатлар ўша ўн аслда ўз ифодасини топган».* Қуйида ҳар бир усулнинг шарҳига тўхталамиз.

Тавба

III авба – барча амалларнинг боши бўлиб, унинг биринчи қондаси асл тавбадир. Агар ўлим Аллоҳ таолога иродасиз равишда ружу қилиш бўлса, тавба Ҳақ таолога ирода билан юзланишдир. Тавба Худо томон юз тутган барча кишиларнинг ҳар қандай гуноҳлардан фориғ бўлишидир. Худого яқинлашишни истовчи ҳар бир киши унинг ўзидан ҳар қандай ёқимли ва матлуб нарсалардан воз кечиши ва ҳатто ўз вужудини ҳам тарк этиши лозим бўлади.

Тавба бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг ибтидоси, башарият уйкусидан уйғониш, ўзининг аҳволини англаш, нафс балосидан огоҳ бўлиш, ёмон феъл туфайли келадиган барча азоб-уқубатларнинг олдини олиш йўли деб таърифланган.

Тавба барча амаллар натижасининг зийнати бўлиб, Ҳақ субҳонаҳунинг муҳаббатига сазовор бўлишга олиб келади. Ҳадисда «*Ла астағфирулло инни кул йўм сабъина марратан*» дейилган, яъни мен ҳар икки дуо-илтижода ҳам икки мартадан истиғфор қилиб, гуноҳларимни кечиришни сўрайман. Кундалик етмиш марталик дуо-илтижонинг хусусияти унинг сониди эмас, балки қўп марталигидадир.

Ҳар ким ўз тараққиётида қанчалик юқорироқ мартабага эришса, шунчалик пастга тушиб, ўз гуноҳларини кечиришни сўраб истиғфор қилса яхши. Тавба тавбадан келиб чиқиши керак, яъни инсон ўзига эътибор ва ружу қилишдан тийилиб, ўз нигоҳини Яратувчисига қаратмоғи даркорки, токи У (Парвардигор) қаҳр мақомидан лутф мақомига ўтиб, узоқлашган жойдан яқинлашиш мақомига ўтгай. Бунинг бошқа маъноси бўлиб, у шундан иборатки, тавба бизнинг ички туйғумиз. Ундан ружу қилиб, ўз навбатида бошқага мурожаат қилиш керак. Бир мурожаатдан бошқаси ҳам келиб чиқиши керак ва у ҳам бошқа ружу билан яқунланади. Бошқага назар ташлашнинг қусури шундаки, икки марта тавба қилиш гуноҳни эслашдир ва гуноҳ андишаси замон софлигининг ҳаяжонли дамлари ҳисобланади.

Ўз гуноҳларини англаб, Аллоҳ таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилган кишигина тариқатга кира олади. Тав-

ба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига ўтади, хулқи, ахлоқи, яшаш тарзини ўзгартира бошлайди, ўзини англаш сари сафарга чиқади.

Зухд

Зухд – тақво, парҳезкорлик бўлиб, тавба қилган кишининг ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан кўриқиб, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслигидир. Зухд бу дунёда ҳам, унинг ташқарисида ҳам нимаики лаззат бўлса, ундан тийилишдир. Оз ёки кўп бўлса ҳам, бирор молу мулкка, жинсга ёки бўлмаса бирор мансабга ўз табиий вафотигача рағбат ва мойиллик кўрсатиш зухддан чиқиш ҳисобланади. Зухднинг моҳияти дунё ва охиратга рағбат қўйишдан воз кечишдир. Расулуллоҳ (с.а.в.) дейдилар: охират аҳллари учун дунё ҳаромдир, дунё аҳллари учун эса охират ҳаромдир. Уларнинг ундан насибалари йўқдир. Агар солик илоҳий қайдларга қарши бўлган гуноҳлар қаъридан юқорига кўтарилиб, залолатдан қутулиб чиқиш йўлини топа олса, занглаган ҳаво табиий ойна юзидан арчиб ташланади. Ана шундагина дунё ҳақиқатининг эмас, балки дунё ва охиратнинг бутун борлиғи унга очилади. Демак, бир нарсага рағбат ва ҳирс қўйишдан воз кечиб, Ҳақ томонга юзланиш даркор. Шунинг учун ҳам зухд тавбадан кейин эслатилади.

Зухд рағбатдан воз кечиш бўлиб, икки қисмдан иборатдир. Биринчиси ички лаззат, шароб ичиш, мансаб ва олий мартабаларни қўмсаш, илоҳий роҳатларга ўхшаш ҳис-туйғулардан воз кечишдир. Йиллар давомида хайрли ишлар билан банд бўлиб, ер ишлари билан шуғулланиш ва шунга ўхшаш бошқа фаолият таъсирида дунёвий нарсалардан кўра охиратга кўпроқ мойиллик ва рағбат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки дунё фоний бўлиб, охират боқийдир. Иккинчиси, Ҳақ субҳонаху олдида дунё ва охиратнинг нуқсонли эканлиги мулоҳазасидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар иккисига ҳам рағбат қўйишдан воз кечишдир. Зухд ҳақиқатга мувофиқ шундай эрур. Зеро зухднинг биринчи қисми, ўз зотига кўра, сақланиб қолган ҳиссий рағбатга асослангандир.

Демак, рағбатдан воз кечиш вужудни бутунлай бартараф қилиш ҳақиқатидан иборат эмас. Зеро бир жинсдан келиб

чиқадиган рағбат ўрнига ундан афзалроқ бошқаси пайдо бўлади. Ушбу такомиллашган рағбат Аллоҳ рағбати билан қўшилмайди. Шундай бўлгач, худога талпинувчилар ночор бўладиларким, уларнинг рағбати дунё ишларидан узилгач, охиратдан ҳам ажралиб қолади. Бас, шундай экан, Унинг ўзидан бошқа ҳеч нима ором бахшида эта олмайди. Зухд зухддан келиб чиқиши керак, яъни зухдни бошқача назар билан топмаслик лозим, чунки у асосий мақсад эмас, асосий мақсад Аллоҳ таолодир.

Таваккул

Таваккул – ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суянишдир. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак, чунки яхшилик ва ёмонлик, тўқлик ва очлик, бойлик ва камбағаллик ҳам Аллоҳдандир. Аллоҳ инсонни тоат-ибодатга чорлайди, ҳар дам инсонлигимизни эслатиб туради. Аммо инсон буюк зарурият ичрадир. Унинг фаолияти, ижоди ва қудрати ана шу илоҳий заруриятдан ташқарига чиқиб кетолмайди. Инсон буни англамоғи лозим. Чунки инсон барча мавжудот каби фонийдир, у абадий эмас. Абадий фақат Аллоҳнинг ўзи, агар инсон абадийтни хоҳласа, Аллоҳ сари интилиши, поклик оламига қараб, камолот касб этиши лозим.

Инсон таваккулни ўзига ҳамроҳ қилса, албатта мақсадига эришади, азалдан феъл, яъни ишнинг яхши ёки ёмонини танлаш ихтиёри инсоннинг ўзига берилган. Ўша ихтиёри феълда таваккул қилган инсон, айтишлик, илм ўрганишга таваккул қилса ва маълум касб-хунарни эгаллашга астойдил киришса, унга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлади, билмаган нарсаларини билади. Таваккул – инсондан, мақсадга етказмоқ эса Аллоҳдандир.

Қаноат

Қаноат – инсоннинг кўнглига равшанлик ва ёруғлик келтирувчи неъматдир. Қаноат нафс, ҳайвоний шаҳват ва лаззатлардан воз кечиш, лекин у даражада эмаски, одамнинг мавжудлиги усиз бўлмайди. Демак, ейишичишда, кийинишда ва бирор жойда муқим туришда зарурий ҳаддан ошиб кетмаслик керак. Одатда озга ёки бориға кўнган, бори билан кифояланган, нафсини тийган, чидамли, сабрли, ўша ҳолатда ҳам мамнуният ва қониқиш билан рози бўлган кишилар қаноатли дейилади.

Қаноат туфайли хокисор инсон юксакликка эришади, дўст-душманга муҳтожликдан халос бўлади, шоҳ-гадолик ташвиши, қарамлик, нафсининг ғалвасидан қутулади. Қаноат туганмас хазинадирки, ундаги бойлик сочилгани билан қамаймайди, бир оби чашмадирки, олган билан қайнаб чиқаверади.

Қаноат инсонга роҳат ва фароғат бағишлайди, унинг акси бўлган тамагирлик, нокаслик ва разолат инсонни азоб-уқубатга дучор этади. Тама ва нокаслик туфайли одамгарчилик ва инсонийлик завоҳ топади. Инсон бу балолар офатидан қаноат туфайли халос бўлади.

Қаноат камолотнинг энг мақбул йўлидир. Инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлуқ экан, унда руҳ ва жисм қураши муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Қаноат инсонни инсон қилади, маънавият беағи билан беэайди.

Узлат

Узлат – инсоннинг руҳи, агар у покланишга мойил бўлса, табиий равишда яққаланиш ва гўшанишинликни талаб қиладиган ҳолатдир ҳамда инсон руҳи тажрид (ажралиш) ва тафрид (ёлғизланиш) босқичларини босиб ўтмаса, мутлақ покланмайди.

Тажрид инсоннинг дунёга тегишли нарсаларни бутунлай кўнгилдан чиқариб ташлашидир. Инсон умри ўткинчи бўлгани учун ҳам азиз умрни кераксиз нарсаларга сарфлаш, дунёга ҳирс

қўйиш оқиллар иши эмас. Тажрид инсонга руҳий хотиржамлик бағишлайди.

Тажрид дунёдан узилиш бўлса, тафрид худо билан бир бўлиш, ўзини худога бағишлаш, ўзини шикаста ва ожиз тутиш, худонинг қудратини баланд ва азиз тутишдир. Тафрид инсоннинг Яратувчисига бўлган муҳаббати дарахти меваси бўлиб, киши тафрид ҳолида бўлмагунча, маърифатга эриша олмайди.

Узлат чилла ўтириш, хилват билан амалга ошган. Узлатдан кўзланган мақсаднинг биринчиси Худони ўз хулқига гаров деб билиш бўлса, иккинчиси ўз феъл-атворидан шарр, яъни ёмонликни бартараф этишдир. Учинчиси ййсор, ўзини бағишлаш ва ўз хулқи ҳақида мавло (ҳомий) билан суҳбат қуришдир. Узлатнинг асл мақсади хилватда адо қилганлиги сабабли ҳис-туйғуни жиловлашдир. Ҳис-туйғуда ёйиладиган нарса шу жиҳатдан салбийдирки, руҳ мубтало бўладиган ҳар фитна, офат ва балолар нафсни кучайтиради ва уларнинг сифатларида тарбия топган нафс ҳиссиётлари ичидан чиқиб, руҳни ўзига тобе қилади. Хилват ва узлатда эканлик ҳис-туйғудан халос бўлишга мадад бериб, уни дунё ва шайтон ишларидан, шахват ва омонат нафс олишдан қутқазади.

Хилват ва узлатга кетиш шундай ҳиссиётларнинг босилишига олиб келадики, гўё касални даволамоқчи бўлган табиб, дардга сабаб бўлган зарарли маразни аниқлаш учун биринчи галда беморнинг ички аъзоларини тозалаш чорасини кўргандек. Зеро ични тозалаш билан ёмон модданинг зўрайиши тўхтатилади. Табибларнинг айтишича, ички аъзоларни тозалаш ҳар қандай даволашнинг бошидир. Ундан сўнг шифо баҳшида этиш осонлик билан кўчади ва ёмон модда бартараф этилади. Табиий қувват ва ғайрат бу модда остида банд бўлганлигидан қутулиб, жонланади ва ўз табиий вазифасини бажаришга киришадики, натижада касаллик чекиниб, соғломлашиш томон боради.

Демак, ички аъзоларни ювиш баданни ёмон моддалар қабзиятидан халос этганидек, дилни ювиш ҳам уни мажруҳликдан дадиллаштиради. Кўнгил Аллоҳнинг уйи, манзилгоҳидир. Худди яхшилар мажлисига қатнашмаган киши яхшиларнинг яхшилигини билмагани каби кўнгил шарбатини тотиб кўрмаган киши унинг лаззатини билмайди. Қалбни мажруҳ қиладиган нарса дунё матоҳларига алданиб, худони

унутиш, унинг амрларини бажармаслик ва ғафлатда қолишдир. Бундай кишилар кўринишидан тирик бўлсалар ҳам, аслида ўлиқдирлар. Улар покланиш билан қалб касаллигидан фориғ бўладилар.

Таважжуҳ

Таважжуҳ – инсоннинг ўзи билан ўзи кураши, ҳамма вақт Яратганга юзланиб, Ундан мадад сўраб, Унга сари қалбан интилиши, Аллоҳга ўзининг бутун борлиқ вужуди билан таважжуҳ этмоғидир, яъни худди ўлган шахс бу дунё ишларидан чиқиб кетгандек, ўзининг бутун зоти ва моҳияти билан Худодан бошқа ҳамма нарсадан алоқасини узиб, ўз эътиборини фақат Аллоҳ таолога қаратиши, яъни унда Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай матлуб ва маҳбуб, мурод ёки бирор мақсад қолмаслиги керак. Агар унга барча элчи этиб ёки элчилик даражасида бўлмаган пайғамбарларнинг мартабаларини беришса ҳам унга илтифот этмаслиги керак. Чунки кўз очиб юмгунча ҳам унга маҳлиёлик Ҳақ субҳонаҳудан фориғ бўлишга олиб келади.

Сабр

Сабр – солиқнинг эътиқоди, ниятини синаш бўлиб, Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл, Унинг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади. Сабр инсоннинг ҳамиша Аллоҳдан рози бўлиши, халқнинг озори, ғофил ва жоҳил кишилар ёмонлигига бардош бериб чидаши, улардан шикоят қилмаслиги, ҳамиша ростлик ва содиқликда эканлигида намоён бўлади. Сабрли кишилар аввало ўзларини ислоҳ қилишга, гуноҳ ишлардан тийилишга, «бировнинг айбини қидиргунча, ўзининг айб-нуқсонини тузатишга» интилади.

Сабр манзилидан ўтган киши буюк руҳий довондан ошган, янги енгилмас куч-қудрат топган бўлади. Сабрни шодликлар калити, иқбол Каъбаси, манзилга элтувчи, муродга етказувчи дейдилар. Сабрли киши худди табиий ўлим натижасида ҳамма нарсадан маҳрум бўлганидек, ўз ихтиёри билан нафс домидан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, ўзини сақлаган кишидир. Бун-

га эришиш учун киши саботли бўлиб, нафсни барча ўзи яхши кўрган ва одатланиб қолган нарсалардан холи этиб, ўз ихтиёри-ни уни тарбиялаш учун бағишлайди.

Муроқаба

Муроқаба – кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш бўлиб, тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садоқат билан ўзининг маърифатини ошириб борган солиқ бора-бора осойишта бир ҳолга келади, Аллоҳ дийдори ёдида тафаккурга ғарқ бўлади, оламларни руҳан сайр қилиб чиқади, кўз олдига Аллоҳ жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб тасаввур ва тахайюли (хаёлот олами) кенгаяди, ғайб асрори эшиклари юзага очилади. Тафаккурга ғарқ бўлиш шахснинг ўз воқелигидан, ўз куч-қуввати ва қодирлигидан чиқиб, барча умид кўзларини Ҳаққа тикиб, ундан кечирим сўраш ҳолатидир. Унинг лутфидан баҳраманд бўлиш умидида, унга яқинлашиб илнжидида ўзлигидан кечиб, ўз ўрнини унга бўшатиб, бу дунёдан у томон юз ўтириб, ўзининг бутун сифат ва хусусиятларидан воз кечиб, бутун борлигини унга топшириш-дир. Унинг фикри ва майли дарёсига шўнғиб, унинг дийдорига мушток бўлмоқликдир. Унинг дилида фақат унинг орзуси ёниб, жони унинг васфида нола қилса ҳам, сабр билан ундан ўтиниб сўрайдики, Аллоҳ таоло унинг фарёдига етиб, ҳеч ким монелик қила олмайдиган ўз раҳматини ундан дариг тутмагай ва уни барча азоблардан фориғ қилгай. Агар бирор киши бунга йўл оча олмаса, унинг сабаби шундаки, у Аллоҳ таолонинг раҳмати билан яхши таниш бўлмаслиги оқибатида унинг нури ҳали нафс зулматини ёритмаганидир. Агар Аллоҳнинг раҳмати тушса, нафснинг зулматидаги ҳозирлиги кўз очиб юмгунча йўқоладики, кўп йиллик курашлар ва риёзият чекишлар ҳам уни бунчалик тез бартараф қила олмас эди. Худо яхшиликни ёмонликка ва ёмонликни яхшиликка айлантиришга қодирдир.

Зикр

Зикр – эслаш, ёд этиш бўлиб, инсон ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги, калима, дуони мунтазам такрорлаб туриши билан Аллоҳнинг исми ва сифатлари қалбга жойланади. Нажмиддин Кубро зикри хуфия, яъни қалб зикрини афзал билган. Унинг фикрича, зикр жараёни инсоннинг нафас олиш жараёни билан боғлиқдир. Ҳайвоннинг нафас олиши табиий зарурат туфайли юз беради, инсон ҳам айна ўша зарурият юзасидан нафас олган ҳолда нафас олиш жараёнида ғойибона Ҳақнинг номини зикр этади. (*Шайх Нажмиддин Кубро. Фавотиҳ ул-жамол / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.*)

Зикр ҳақиқатда (дунё ишларидан четланиб), худодан бошқа нарсани эсга олмаслиқдир. Аллоҳ таоло зикр ҳақида амр қилганига кўра, зикр пайтида ўз парвардигорингни шундай ёд этгинки, худди табиий равишда ўлган киши, ундан бошқага қайтмагай. Аммо зикрда «ла илаҳа иллаллоҳ» ибораси осон адо этилишининг сабаби шундаки, у маъжун эмас, яъни аралашма таркибидан ташкил топмаган. Рад этиш ва исботдан ташкил топган таркиб, фосид моддани бемор дилидан чиқариб, руҳнинг гирифторлигига чек қўяди, нафсни кучайтириб, унинг сифатларини тарбиялаш йўлини топишга интилади. Ахлоқий нафснинг сифатлари нафсоний хислатларга қўшимча бўлиб, ҳайвоний ва шаҳвоний белгиларни йўқотишга ундайди ва ғайбга боғланишга жалб этади. Шаҳодаг ёки дунё, охират ёки илм ва моҳият «ла илаҳа иллаллоҳ» тушунчаси воситасида исботланади. Дил унда пайдо бўлган нур воситасида яралади. Дилнинг яшаши сабаби илоҳий нурдандир. Руҳ жиҳоланади, жиҳоланувчи нарса Ҳақ, унинг зотий жилоси ва сифатидан гувоҳлик беради. Кишининг заминий нафси парвардигорининг намоён бўлган нуридан равшанланади ва зулмат сифатли нафс учади, яъни заминий нафс ва самовий руҳ бутунлай ўзгариб, қаҳҳор сифатли ягона худони зоҳир этади. У ўзидан бошқа ҳўжайинни рад қилади: «Сизларни ёд этишим учун, Мени ёд этинг!»

Ризо

Ризо Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда инсоннинг ўзини буткул унинг иродасига топшириши ва Аллоҳ олами билан ҳузурланишидир, бу ҳолатда Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашади. Ризо шахснинг нафс хушнудлигидан чиқиб, худо хушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган бўлса, ўшани ўз бўйнига олишидир. Ўз иродасини то абад қоладиган нарсага воқелик сифатида қайтариб, ўлимга ўхшаш ўткинчи нарсага эътироз билдиришидир. Агарда тафаккурга ғарқ бўлиш яхши амалга ошса, солиқни ром қилиб олиб, унинг алоқасини бошқа нарсалардан узиб ташлайди. У ишонч ҳосил этадики, ҳамма нарса илман ва айнан ўзига боғлиқдир. Ризо, қазо ва қадр ҳукмлари устидан хушнудлик билдириш бўлиб, азалда яратилган нарсанинг жилоси аён бўлади. Фақирлик, бойлик, ранж чекиш, роҳат, ўлим ва ҳаёт, бошқа шунга ўхшаш нарсаларнинг хилма-хил ҳолатлари унинг олдида тенгдир ва улардан бирининг иккинчисидан афзаллик томонлари йўқдир.

Ризо ички табиий ҳолат бўлиб, тўғри ишонч воситасида дилда бўлади ва Аллоҳга нисбатан кучли муҳаббатда ифодаланади. Бунинг маъноси нафсдан ҳазар қилишга қарама-қарши эмас. Шундай экан, у қалбнинг касали бўла олади ва нафс макруҳлиги шу билан изоҳланади. Ризо ҳолати турғун бўлмай, ақлга киририлган нарсанинг унга дахли йўқдир. У нафс каромати билан қўшилмайди, чунки унинг латиф тухфаси бўлиб, илоҳий хулққа муносибдир. Унинг таъсири барча шахсларга етади. Ризо ҳолати ҳам шундай бўлса, унинг қудрати кўп нарсаларга қодир бўлади ва у нафсни инкор қилиб, у билан қўшила олмайди.

Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида ёзишча, Шайх Кубронинг муридларидан бири Мажиддин Бағдодий жисмонан нозик ва латиф табиатли йигит эди. Нажмиддин Кубро даставвал уни сув ташиш, хонақоҳни супуриб-сидириш, нопок жойларни тозалаш ва ҳоказо ишларни бажаришга мажбур этади. Мажиддиннинг онаси машҳур табиба бўлган экан, у ўғлига раҳми келиб, шайхга одам юбориб: «*Илтимос, менинг ўғлимни қийнамасинлар, агар ўша ишларни қиладиган хизматкор*

керак бўлса, мен ўн та турк гуломларидан юборай, Сизга хизмат қилсин» дейди. Нажмиддин Кубро аёлга жавобан «Ажаб, сен ўзинг табиб экансан, айтчи, ўғлинг касал бўлса дорини унинг ўзи ичиши керакми ёки унинг ўрнига турк гуломлари ичадими?»

Зикр этилган мазкур талабларнинг барчаси босқичма-босқич қалбни поклаш, шуурни Ҳақ томон ростлаб боришга қаратилган. «Ал-усул ал-ашара» XIII аср фалсафий йўналишларига кучли таъсир этган, Шарқ тафаккурини бир поғона юқори кўтарган теран фалсафий асардир. Нажмиддин Кубро инсон маънавий камолотида динийлик ва дунёвийликни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилган. Шайх ахлоқий баркамол, етук кишиларгина илоҳий қудратни билишга яқинлаша олади, деб ҳисоблаган ва ана шу қоидалар асосида комил инсонларни тарбиялаб, маънавий уфқларни забт этган.

Офоқ ва анфус фалсафаси

Нажмиддин Кубро қарашларида илоҳий олам ва инсон олами ўртасидаги муносабатлар етакчи ўринни эгаллайди. Нажмиддин Кубронинг тасаввуфга олиб кирган янгиликларидан бири «офоқ ва анфус» («офоқ» – уфқлар, осмонлар, «анфус» – рухлар, жонлар) назарияси бўлиб, олами сағир ва олами кабирнинг ўзаро муносабатларидир. Шайх кишиларнинг руҳияти, ботиний оламини чуқур тадқиқ этган. Унинг фикрича, инсон олами суғро, яъни кичик олам бўлиб, унда олами кубро, яъни катта оламнинг барча хусусиятлари мужассам. Инсонни қуршаб олган ташқи дунё олами кабийр бўлса, инсон қуршаб олган дунё – олами сағийрдир. Шу боисдан ташқи дунёга хос ҳамма нарсанинг намунаси инсонда мавжуд. Масалан, инсоннинг гавдаси Ер юзининг, инсоннинг руҳи осмоннинг, қалби тоғларнинг, қалб билимлари жаннат меваларининг, кўнгилда уйғонган файз ва илҳом ёмғирнинг, нафс қорнинг тимсолларидир. Аллоҳнинг илоҳий қудрати, фаришталарга хос хислатлар ҳам инсоннинг ботиний дунёсида мавжуд бўлиб, уни басират кўзи билан кўриш мумкин.

Инсон маънавий-руҳий камолотга эришса, Аллоҳнинг раҳим ва раҳмон сифатларидан бошқа барча сифатларини эгаллай олади. Шайхнинг ақл, дил ва тадбир чироғи муриднинг нафсига

қаратилади, нафс таслим этилиб, поклангунга қадар кечган ботиний жараёндан сўнг покланган хотиржам ва сокин нафс зийнатланади, инсон қалби шаффоф кўзгуга айланади. Ўша онда унда ҳамма нарса акс этади, қалбдан атрофга илоҳий нур порлайди, басират кўзи очилади, басират орқали Аллоҳнинг жамол ва жалол нурларида сайр қилади. Ғўзаллик идроки ва иштиёқи тубдан ўзгаради. Шу тарзда инсон ҳамма ерда ва ҳамма нарсада Яратувчисини мушоҳада қилиб, у сари талпинади, бунинг сабаби эса нафсининг покланиб, сийратдаги барча қусур ва камчилик ёхуд ёмонликларга барҳам берилганидир.

Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий-важдий қобилиятига юксак баҳо беради: *«Валоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, Парвардигор одамга ақл берган, ботиний нур берган, уни кулли мавжудотдан афзал қилиб яратган»*. Мана шу фикрлар тариқат куброси бўлган Нажмиддин Кубро қарашлари мағзини ташкил этади.

Латоиф – инсоннинг илоҳий хислати

Нажмиддин Кубро руҳоний кечинмалар, нозик ҳолатларни таҳлил қилиб, латоиф назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас латиф марказдан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги бир нарса бўлиб, шу қадар нозикки, уни кўз билан илғаш мушкул. Инсон фаолиятида бу латиф марказнинг аҳамияти беқиёс. Латоиф инсоннинг илоҳий хислатидир. Сўфий риёзат ва махсус машқ орқали латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашиниши тарзида тасаввур қилади.

Нажмиддин Кубро фикрича, нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира – фалак доираларининг айланиши, доғ – дунё тимсоли ва нуқта – ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни нуқта сари интилади. Нуқта муҳиятини англаш орқали Аллоҳ олами идрок этилади.

Мурид руҳи, шунингдек, ҳаяжон, ҳайрат ичра турли рангларга ҳам дучор бўлади. Ҳалиги доира, доғ ва нуқта айланиши



ва алмашиниши ранглар алмашинишини ҳам қамраб олади: руҳнинг ҳислар босқичидаги тараққиёти қора рангда, кейин қизғиш рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўриниб, илоҳий оламнинг яқинлигидан далолат беради. Ранглар сўфий руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаригадаги даража-мақомларини билдириб туради. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашиниб туриши солиқнинг аҳволини, шуурий кечинмалари давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни ботиний-тафаккурий кечинмаларнинг турли-туманлигини англатади.

Руҳнинг рангдан рангга кўчиши ривожланишдан нишондир. Упбу жараён охир-оқибатда рангсизлик ҳолати, яъни тамкинга олиб келади. Тамкин ҳолатига кирган сўфий талаввундан (ранг-барангликдан) кутулиб, ваҳдат оламига кўшилган бўлади. Чунончи, зангори ранг солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади. Бу ҳолатда у шарият доирасида бўлади, мантиқий-далилий билишдан ҳали кутулмаган, ҳали кўнглида дунёвий ҳаваслар майли ҳукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади. Солиқ қалбида муҳаббат кўзгалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сариқ рангга тўтри келади. Қизил рангда солиқнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар оламини англагани маълум қилинади. Аммо бу босқич ҳали ҳирс қутқусидан халос бўлмаган бир ҳолатдир. Сўнгра оқ ранг кўринадики, бу юракнинг покланишига ишорадир ва ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошидан кечиради. Шундан кейин яшил ранг келади. Яшил ранг валийликдан нишона бўлиб, сирларнинг сирига, ғайбга опшноликни билдиради ва солиқнинг асл моҳиятларга етишаётганини ҳам англайтиши мумкин. Мазкур ранглар солиқнинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарларини англаган бўлса, олтинчи ранг – қора ранг Аллоҳдан халқ сари сафарини билдириб, «канз ул-асрор», яъни сирлар хазинасини эгаллашни ва ҳайратга ғарқ бўлишни ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариятнинг мағзи – ҳикматини янгидан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига ўралади. Ва ниҳоят, солиқ руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан кутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл даражасини эгаллаган солиқ бир хиллик ҳолатида мақсадига эришади.

Нажмиддин Кубро рангларни қуйидагича талқин этган: оқ ранг – исломни, сариқ ранг – иймонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – итминон (ишонч)ни, кўк ранг – иқон (тўлиқ ишонч)ни, қизил ранг – ирфонни, қора ранг – ҳаяжон (хайрат)ни англатган. Солик руҳи ҳолатлари, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганидан пирини огоҳ этиши, пир муриднинг қайси босқичдалигига қараб, янги вазифалар юклаши керак.

Тасаввуф ахлоқи

Инсон ахлоқ-одоби, ибратли турмуш тарзи билан гўзалдир. Гўзал ахлоқ инсоннинг аҳдига вафоси, тўғрисўзлиги, адолатлилиги, саховатпешалиги, меҳри ва мурувватида акс этади. Кишининг чиройи – сўзининг гўзаллигида, камоли эса феълининг тўғрилигидадир. Шайх Нажмиддин Кубро билим, тажриба, малакаларидан фойдаланган ҳолда ўзларидаги бор истеъдодни ишга солиб, маърифатга, шу билан бирга, зийраклик, латофат, юксак салоҳият, гўзал ахлоқ каби фазилатларга эришганлар. Шайхнинг хушхуақликлари ва гўзал ахлоқлари, юзларидан нур ёғилиб туриши, нафслари устидан ҳоким бўлиб, бошқаларнинг етказган озорини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилиши ва уларнинг айби учун ўзини айбдор ҳисоблаб, узр сўраши, барчага саховат ва шафқат кўрсатиши билан меҳр қозонганлар.

Нажмиддин Кубро инсоннинг нафсини тарбиялаш йўли билан уни маърифатга олиб чиқиш ва комил инсон даражасига етказишни мақсад қилган ва ўз тарбия усулини ишлаб чиққан. Шайх солик эътиқодига эътибор қаратиб, имон, итминон (хотиржамлик), иқон (тўлиқ ишонч) сўзларини қайта-қайта таъкидлаган. Нажмиддин Кубро тасаввуф ахлоқига доир «Одоб уззокирин» («Зикр этувчилар одоби») асарини ёзган.

Нажмиддин Кубро дейди: *«Менга аниқ бўлдики, халқ устидан шайтон ҳокимлигининг боиси дунёни севишда экан. Ўлганларнинг ҳолидан, улар қолдирган уй-жой ва мол-мулкидан ибрат олмаган кишини одамларнинг энг жоҳили деб санадим. Энг бахтсиз инсон Тангри белгилаб берган ҳадларни бузиб ўтган киши экан. Тил барча мусибатларнинг манбаи, чидам ва ишонч шариат ва дин устунла-*

ри бўлиб, ибодатларнинг афзали фарзларни адо этиш, одатларнинг энг эзгуси гуноҳлардан четда туриш, энг савобли иш кишиларга озор бермаслик, энг яхши бойлик – кучли ирода экан. Худонинг зикридан сўнг энг яхши зикр ўлимни эслаш, ўлимдан ҳам огирроқ нарса қўлдан кетганга афсус-надомат қилиш экан. Икки дунёнинг энг яхшилигини қаноатда, энг ёмонлигини тамагирликда кўрдим. Одамлар орасида ўз вақтини кошки, керак, мумкин деб даргумонликда ўтказадиган кишини энг қисқа умр эгаси деб билдим. Камтарлик энг яхши безак ва бахиллик энг ёмон нарса деб ишондим. Барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яхшииси хулқ гўзаллиги ва барча ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида энг ёмони ҳасад экан».

Нажмиддин Кубро фақирлик ва дўзах исноддан яхшироқ эканлигини таъкидлаб, яшаш лаззати, вақтнинг ёқимлилиги, кайфиятнинг яхшилиги, кўнгилнинг фориғлиги, баданнинг роҳати, нафснинг соғломлиги, тунларни бедор кечирувчи Аллоҳ билан муножотлардаги ҳаловатни, шунингдек, қолган-қутган нон парчаларини еганда киши нафсида иззатни ва ямалган хирқаларни кийганда Тангри ҳузурида камтарликни ва ҳар доим ҳаёт софлигини фақирликда топиши мумкинлигини эътироф этган.

Нажмиддин Кубро «дунё балолари денгизлари»дан соғлом ўтишни истаган киши ўз нафси билан бирга қуйидагиларни бажариши кераклиги, улар бандалик асоси, хизмат ва тоат маркази ҳисобланишини таъкидлаган: «Ҳалол (луқма) емоқ, маҳол (имконсиз иш)ни тарк этмоқ, эътиқод бутунлиги, сабъ-ҳаракатда содиқлик, ўлимга тайёр бўлиш, қўлдан чиққанини жабийра қилиш, қабрга кирмай туриб, ўз қилмишларини кўздан кечириш, инсон ва инсон бўлмаганларга (гайри инсонларга) тил теккизмаслик, бошқалар айбидан кўз юмиб, ўз айбларини кузатиш, оға-иниларига ўғит беришдан олдин ўзига насиҳат қилиш. Ахлоқни покизалаб, юриш-туришни ўзгартириб, одамлар билан муросаю мадора қилиш, тириклар ва ўликлар ҳақида ёмон сўзлашдан тилини сақлаш, ёлгон айтишдан четланиб, тилни рост гапириш ва тўғриликка ўргатиш, эзгу сўзлар изҳор қилишда барча куч ва диққатни ишга солиш, сабабсиз ҳар ишга аралашидан тийилиш, шуҳратпарастликдан сақланиш, вақтни бекорга ўтказмаслик, зарур бўлмаган ҳолда (бировдан бирор нарсани) талаб қилмаслик,

одобсизлик қилганлар тўғрисида сукут сақлаш, дунёни бир томонга қўйиб, охиратга таважжуҳ қилиш, хулқ гўзаллигига эътибор бериб, беҳуда сўзлардан воз кечиб, дунё рўзаси ва охират ифторидан умид қилиш».

Нажмиддин Кубро инсон зотига кўра заиф, нафсига мағлуб эканлигини эътироф этган ҳолда, инсон чин ихлос билан ғайрат қилса, мақсади раво бўлишини таъкидлайди: «Дунёни кўр, унда сайр қил, ичига кир, аммо дунё сенинг ичингга кирмасин». Инсон зоти нафсини тарбия қилмасдан комил бўлиши мумкин эмас. Зеро ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам аجدодларимиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда.

Валийтарош авлиё

Авлиёларда зоҳир бўладиган ғайритабиий одат ва кароматлар, авлиёларнинг ўзига хос хусусиятлари туш кўриш, бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш, узоқ шаҳарлардаги яқин кишиси билан алоқа боғлаб сўзлашиш, руҳнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб жисмга кириши, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва фикран ўзгаларга таъсир ўтказиш, нафас қуввати, назар қуввати, дил қуввати, кўнгилдан ўтказиш, ҳолатга кириб вужуддан нур таратиш кабиларда намоён бўлганки, Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳам каромат кўрсатиш ва хориқулодда ҳислатлари билан машҳур бўлган. Нажмиддин Кубро ўткир нафаси, назари ва суҳбати билан қалбларга ғулғула солган.

Суҳбат файзи. Авлиёлар суҳбатининг ўзи айни каромат бўлиб, улар суҳбатидан файзиёб бўлган киши ўзини ўзга оламда ҳис этган, илоҳий бир қудрат билан тубанликдан юксаклик сари кўтарилган, мартаба-мақомга эришган. Суҳбат орқали кўнглиларда муҳаббат асари пайдо бўлган.

Назарнинг ўткирлиги. Шайхнинг қалбида илоҳий илҳом (важд) кўзгалганда унинг назари кимга тушса, шу киши валийлик ҳислатига эга бўлган. Хонақоҳга томоша учун кириб келган бир савдогар шайхни важд ҳолатида кўради. Нажмиддин Кубронинг муборак назари савдогарга тушгач, савдогарнинг ҳолати

ўзгариб, қалбида валийлик нурлари пайдо бўлади ва касбидан воз кечиб, сулукка киради. Шайхнинг башорати билан тариқатдан насиба топиб, ўз юртига бориб, тариқатдан сўз очади...

Бир куни шайхнинг муборак назари саъвани кувиб бораётган қарчиғайга тушади ва қарчиғай шу заҳоти ҳолсизланиб, саъва эса журъатланиб орқасига қайтади ва қарчиғайга ташланиб, уни енгади. Қарчиғайни тутиб, шайхнинг оёғи остига келтириб ташлайди...

Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» асарида келтиришича, Асҳоби Қаҳф билан ғорга кириб, жаннатий бўлган ит ҳақидаги оятлар тафсирида Саъдиддин Ҳамавий сўз олиб, «Бу замонда андоқ киши бўлғайким суҳбати итга асар қилғай?» деганда, Шайх Нажмиддин Кубро «Каромат нури била маълум қилдилар ва кўпиб хонақоҳ эшигига бориб турадилар». Шу пайт хонақоҳга бир ит киради ва шайхнинг назарлари итга тушиб, ит ўз ҳолида «мутаҳаййир ва беҳуд бўлуб» бошини ерга қўйиб, хонақоҳдан кетмаган ва охири шу ерда ўлган. Шайх уни одамлардай ювиб, дафн эттирганлар.

Воқеаларни олдиндан кўриш. Нажмиддин Кубронинг суюкли муридларидан бири Маждиддин Бағдодий дарвешлар билан ўтирганда беҳудлик ҳолати юз бериб, «Биз ўрдақ тухумлари эдик, шайхимиз Нажмиддин товук эди, бизни очди, биз дарёга қараб йўл олдик, у эса қирғоқда қолди» дейди. Бу сўзлардан воқиф бўлган Нажмиддин Кубро ҳафа бўлади ва «ўша сувда ғарқ бўлиб ўл» деб, Маждиддинни дуоибад қилади. Кўп ўтмай хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад Маждиддинга ғазаб қилиб, уни Амударёга чўктириб ўлдиришга фармон беради. Воқеадан хабар топган Нажмиддин Кубро хоразмшоҳдан ранжийди ва хоразмшоҳнинг ҳалокати, мўғулларнинг бостириб келиши ва обод шаҳарлар вайрон қилинишини қалб кўзи билан кўради. Хоразмшоҳ қилган ишидан пушаймон бўлиб, тухфалар билан шайх олдига кечирим сўраб келганда, Шайх Кубро шафқат қилмайди: «Энди кеч бўлди, фарзандим Маждиддин қони жамики эл-авлодинг, мол-мулкнингни берганингда ҳам ювилмайди, қонни қон ювади» дейди. Бу каромат тезда юз беради ва Хоразм вайрон бўлади, хоразмшоҳнинг ҳеч бир авлоди тирик қолмайди.

Муроқаба йўли билан ўзига мурид танлаш. Нажмиддин Кубро муроқаба орқали Туркистон диёрида муфтий Мавлоно Шам-

сиддиннинг Аҳмади Мавлоно деган фарзандини муридликка қабул қилади ва муриди Бобо Камол Жандийга хирқа бериб, уни хонақоҳга олиб келишни буюради. Бобо Камол хирқани олиб Туркистонга жўнайди ва болани топиб олиб келади. Аҳмади Мавлоно катта ихлос билан шарият ва тариқат илмларини ўзлаштириб, истеъдодини намоён қилади ва тариқат пешволаридан бирига айланади.

Туркистонлик Айнуззамон Жамолиддин Шайх Нажмиддин Кубронинг овозасини эшитиб, Хоразмга ўзи билан китобдафтарларини ҳам олиб келаётганда тушида шайхнинг «Эй Гейли, орқангдаги юкингни ташла!» деган сўзларидан уйғониб кетади ва фикр қилиб, китобларни Жайхунга улоқтиради. Гейлини ҳузурида кўрган Нажмиддин Кубро унга қараб: «Агар ул юкингни ташламаганингда, келишинг бефойда эди, чунки суфий илми китобда эмас, балки қалбидадир» дейди.

Келтирилган ривоятлар Шайхнинг ўзгаларга таъсир этиш кучини, қувваи назари зўрлигини, башорат этиш қобилиятини кўрсатади. Нажмиддин Кубродай валийтарош улўф шайхнинг назарлари тупроқни кимё қилгувчи эди. Шу ўринда Нажмиддин Кубродаги илоҳий қудрат «ваҳший Чингиз босқинини қайтариб қололмагани ҳамда Хоразм лашкарига муборак назарлари таъсир қилмагани» хусусида тўхташ ва изоҳ бериш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Хоразм ўт ичида қолганда шайхнинг муридларидан бири унга «На бўлғайким, ҳазрати шайх бир дуо қилсалар, шояд бу бало мусулмонлар бошидан кўтарилса?» деб сўраганда, шайх «Бу ўзгармас қазодир, уни дуо билан даф қилиб бўлмайди. Бу Парвардигорнинг гуноҳкор бандаларига юборган азим жазосидир» деб жавоб беради.

Мўғуллар Хоразм ва бошқа обод шаҳарларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилдилар, маърифат ва маданият обидалари яксон бўлди, ёндирилди, вайрон этилди. Шунга қарамай, мўғуллар маҳаллий халққа сингишиб, исломни қабул этдилар. Ваҳшийлик ботқоғидан қутулиб, исломий ёруғликка кўтарилдилар ва ҳатто баъзилари кейинчалик исломий маърифат ҳомийлари бўлиб майдонга чиқдилар. Шайх Нажмиддин ва унинг халқи енгилгани йўқ, балки мўғул лашкари енгилди, йўқ бўлди.

Футувват

Шайх Нажмиддин Кубронинг тасаввуфга олиб кирган янгиликларидан бири – футувватни тасаввуфга қўшганидир. Футувват – йигитлик, мардлик, жавонмардлик, саховат, тасаввуф ахлоқи. Футувват инсон руҳини тарбиялаш орқали уни гўзал хулқ-атвор, фазилат соҳиби этишни мақсад қилган. Шунга кўра, футувват барча инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган етук инсонлар – мардлар маслаги бўлган.

Юксак ғояларнинг амалий, ижтимоий татбиқи футувват аҳли фаолиятида намоён бўлган. Футувватда эзгу ижтимоий-ахлоқий ғоялар мужассамлашган бўлиб, жавонмардлар халқ ичида юриб, хайрли ва савоб ишларни бажариб, ўзаро биродарлик, фидойилик билан ҳаракат қилганлар. Футувватнинг асосини нафсни енгитишга қаратилган тартиб-қоидалар ташкил этган.

Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларнинг ҳолатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатида бўлиш ва улар меҳрини қозониш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар жавонмардлар (мард, сахий, эр йигит) деб аталган. Улар ўзига бировнинг миннатини раво кўрмаган ва бирор кишига муҳтожлик изҳор қилмаганлар.

Шайх жавонмардликни ўз фаолиятининг мазмунига айлантирган, яъни жавонмарднинг сўзи ҳам, иши ҳам, ният-фикрлари ҳам пок бўлган, ҳеч қачон бошқалардан тама қилмаган, уларнинг инсоний камолоти ва маънавий қуввати саховат (дўстларга наф келтириш) ва шижоат (дўстларни душманлардан асраш)да акс этган.

Футувват аҳлининг йўриғи, қоидалари, пир-шогирдлик расм-русумлари, муридга раҳнамолик қилиш дастури, футувватнинг зикри ва бу сифатга мушарраф кишиларнинг сўзлари ҳақида рисоалар битилган. «Қобуснома»да келтирилишича, жавонмардликнинг асосий фазилати манманликни бошдан чиқариш ва ўзгага қасд қилмаслик бўлиб, жавонмардлар

кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан ва тилни ёмон сўздан сақлаганлар.

Футувват барчани ўзидан афзал билиш ва ўзини ҳеч қимдан юқори қўймаслик, барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига эса ҳеч нарса талаб қилмасликни тарғиб этган. Жавонмардлар бир-бирларининг биродарлари ҳисобланганлар ва бошқалар учун жонини беришга тайёр бўлганлар. Жумладан, араб олими Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, «Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражада бўлганки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандай, бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлган. Жуда меҳмондўст ва ҳатто кечаси келадиган меҳмондан хижил бўлмаганлар, мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд-мукофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатганлар». Футувватнинг асосини оддий ҳунармандлар ташкил этган бўлса ҳам, жавонмардлар орасида савдогарлар, санъат ва адабиёт аҳли, амир ва амирзода, шаҳзодалар ҳам бўлган.

Футувват тасаввуфнинг теран идеалларини ижтимоий ва иқтисодий турмушда акс эттирувчи фаол ва жонли кучга айлангандан кейин мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, чинакам фидокорлик намунаси бўлиб, «ўз ватанини босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида ... маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этган» (Н. Комилов) ва Шайх Кубро Хоразм жавонмардлари учун ибрат намунаси бўлган.

Жавонмардлар ахлоқининг миллий қадриятимиз учун аҳамияти бекиёсдир. Ҳозирга қадар урф-одат ва анъаналаримизда футувватнинг айрим жиҳатлари яшаб келмоқда. Бундан кўринадики, ахлоқий қадрият ва инсоний фазилатлар асрлар оша инсон маънавий камолотининг мазмунига айланиб, Шайх Нажмиддин Кубро каби забардаст аждодларимизга муносиб во-рис бўлиб яшаш барчамизнинг эзгу ва шарафли бурчимиз бўлиб қолади.

Буюк ватанпарвар

Нажмиддин Кубро она-юрт ҳимоячиси, тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонлардан биридир. Шайх эл-юрт, халқ озодлиги ва мамлакат тинчлиги учун ўз жонини фидо этган буюк сиймо. Унинг қалби ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, беқиёс шижоат, фидойилик ва жасоратга тўлиқ бўлиб, ёши улуғ бўлишига қарамай, душманга қарши курашда мислсиз мардлик намунасини намоён этган. Нажмиддин Кубро кутлуғ 76 ёшида 1221 йилда Чингизхон тўдаларига қарши жангда шаҳид бўлган. «Нафаҳот ул-унс»да келтирилишича, мўғул bosқинчилари Хоразмга яқинлашганда Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз яқинлари билан юртни ташлаб қочиб кетади. Лашкар бошқарувсиз, пароканда ҳолда эканлигида шайх муридларининг бир қисмини Ватан озодлиги учун душманга қарши курашга чорлайди, қолганларидан ўз юртларига кетишни сўрайди: *«Машриқдан келган бу бало Машриқу Мағрибни яксон этади, ёндириб кул қилади. Сизлар ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг, ўз жонингизни асраш пайида бўлинг»*. Муридлар эса шайхнинг ўзлари билан бирга кетишини илтимос қиладилар: *«От-уловлар тайёр, агар шайх биз билан ҳамроҳ кетишни ихтиёр этсалар, яхши бўларди»*. Бунга жавобан Шайх Нажмиддин Кубро дейди: *«Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ»*.

Мўғул аскарлари Хоразм пойтахти Гурганж (ҳозирги Кўҳна Урганч)га яқинлашганда, шайх муридлари билан Ватан мудофааси учун чиқади, хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдиради, қўлига найза олиб, душман билан яккама-якка олишади. Душманга қараб тош отади, бир нечта мўғулни найза билан уриб йиқитади. Аммо мўғулларнинг қўли баланд келиб, Ватан ҳимоячиларига тинимсиз камон ўқи ёғдирадилар. Бир ўқ Шайх Кубронинг кўкрагига тетади. Қалбларни нурлантирган етмиш беш яшар Шайх Кабир илоҳий илҳомдан файз топади, ҳолдан тойиб, кучи қолмаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмай, душман байроғини қўлига тутиб, шу ҳолатда жон беради.

Ривоят қилишларича, Шайх Кубро вафотидан кейин байроқни унинг ҳақкам қисилган панжаларидан ўн чоғли одам

зўрға ажратиб олган. Улуғ шайх ва донишманд Нажмиддин Кубронинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳам ҳайратга солган, уларнинг ўзига ишончини сўндириб, ғурурини синдирган. Бу иш авлодларга ибрат бўлиб, халқ орасида турли ривоятларга айланиб кетган.

Буюк мутасаввиф ва шоир Жалолиддин Румий Шайх Нажмиддин Куброга юксак эҳтиромини ғазалларида акс эттирган. Унинг бир ғазали юқоридаги ривоят замирида вужудга келган:

*Биз қўлга қадаҳ олувчи улугвор кишилармиз,
Ориқ эчкиси билан қолган қашшоқлардан эмасмиз.
Бир қўлда иймоннинг холис шаробин ичармиз,
Бир қўлда кофирнинг кокилин маҳкам тутармиз.*

(Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд / Нашрга тайёрловчилар С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С. Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – Б. 292.).

Нажмиддин Кубронинг мақбараси ҳозирги Туркменистондаги Кўҳна Урганч шаҳрида жойлашган. Мақбара ёнида хонақоҳ бўлиб, у ҳозирга қадар узоқ-яқинлардан буюк шайх зиёрати учун келган кишилар билан гавжумдир.

Бу зотнинг муборақ номи асрлар оша мардликнинг ёрқин тимсоли ва буюк ибрат намунаси бўлиб қолади. Бунга Шайх Кубронинг «Она Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш – Аллоҳ висолига етишмоқ билан баробардир» деган пурмаъно сўзлари яққол далилдир.

Кашф ва илҳом меваси

Инсоннинг қарашлари, руҳий олами, ботиний кечинмалари унинг бадиий ижоди, хусусан, шеъриятида янада ёрқинроқ акс этади. Шайх рубоийларидан ҳам нафси мазаммат этувчи, илоҳий маърифат асрорининг кашфидан хурсандликни ифодаловчи дарвеш кечинмалари, сўфиёна дард-ҳаяжонлари ва умуман комил инсон қарашлари акс этган. Кубро рубоийлари шариат ва тариқат амалларини бенуқсон адо этган, хилват ва узлат ҳаётидан бохабар, сабр ва ризо, таслимият билан барча қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтган, нафс зангидан қўнғилни поклаган, ошиқлик, орифлик ва валийлик ҳолатидан масрур шоирнинг дил изҳоридир. Унинг рубоийларини илк бор рус шарқшуноси Е. Бертельс турли тазкиралардан териб ва русчага таржима қилиб, Нажмиддин Кубро ҳақидаги тадқиқотларига қўшиб нашр эттирган. Бу рубоийларнинг сони йигирма бешта бўлиб, ҳануз Кубро шеъриятини бойитадиган ва унинг шеърият оламидаги мавқеини белгилайдиган бошқа шеърӣй намуналар топилмади.

Кубронинг ишқ ва маърифат нури билан йўғрилган рубоийлари унинг руҳий ҳолати, қўнғил кечинмалари ифодаси ҳисобланади. Кубро руҳ хусусияти, борлиқ ва йўқлик тушунчалари, илоҳий оламни ақл билан билиш мумкин эмаслиги, ақл фақат зоҳирӣй нарсалар, ҳодисаларни билиши мумкинлиги, моҳиятни девона ва ошиқ қалб билишга қодирлиги, сўфӣй камолоти бадиӣй йўсинда талқин этилиб, фалсафӣй мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради:

*Ишқинг майини ичиб бу дил маст бўлгай,
Ҳажринг ғамини чекиб, у, бил, наст бўлгай.
Бир боқсанг агар – кўйингда тунроқ бўлган
Жонсиз танага жон яна пайваст бўлгай!*

Рубоийлар форс тилидан Эргаш Очилов таржимасида берилди. (Қаранг: *Донишмандлар туҳфаси* (Рубоийлар). Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 101–107.)

Нажмиддин Кубро Ҳақиқатни излаш, Аллоҳга бўлган ишқни қуйлаш, Ҳақ йўлига даъват қилиш, Аллоҳ муҳаббатини қозониш мақсадида тариқатга кирган солиқнинг ҳол ва мақоматнинг турли босқичларидаги ўй ва кечинмалари, ранжу изтиробларини тасвирлаш, сўфий-дарвешларни улуғлаш, Ҳақнинг мазҳари бўлмиш маъшуқа гўзаллигини таърифлаш, гоҳ висол умиди, гоҳ ҳижрон азобидаги ошиқ ҳолатларини теран ифодалаган:

*Сендан ҳама шўхлик ва паришонлигимиз,
Сендан ҳама ошуфтаю ҳайронлигимиз.
Ҳар торига кокилингни дил бойлашимиз,
Сендан ҳама гунча каби хандонлигимиз.*

Нажмиддин Кубро Аллоҳ ва руҳни ҳақиқий борлик деб ҳисоблайди, яъни бизга бор деб туюлган нарсалар аслида йўқдир, чунки улар яралган ва комил эмас, улар ўзгаришда, емирилиш ва йўқолишдадир. Йўқ бўлиб туюлган руҳ эмас, худди кўпик остидаги тўлқин, ёхуд шамол кўринмаганидек, кўринмаса ҳам, мавжуд, комил ва собитдир:

*Ҳар нарсаки, йўқми, йўқ ўшал мисли шамол,
Ҳар нарсаки, борми, оқибат топди завол.
Бор нарсани оламда гумон эт йўқ деб,
Йўқ нарсани бор дебон бироқ айла хаёл.*

Шайх Нажмиддин Кубро илоҳий оламни ақл билан билиш мумкин эмаслиги, ақл фақат зоҳирий нарсаларни билиши мумкинлиги, моҳият қалб орқали билиниши, талаб йўлида етуклик кераклиги, бунинг учун эса дунёдан, нафс кутқусидан озод бўлиш, покланиш, бутун оламда Оллоҳни қалб кўзи билан кўриш лозимлигини тақрорлайди:

*Ҳақ йўлга ҳар лаҳза саъй этмак лозим,
Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.
Дийдангни давола, зеро, олам ҳам – Ул,
Кўрмак Уни – асрорига етмак лозим.*

Нажмиддин Кубро фикрича, дарвешларни камситиш, улар ҳақида номуносиб сўзлар айтиш гуноҳдир, аслида ўзини билган одам бошқаларни айбламайди, чунки бошқаларнинг ўзига хос ботини, ахлоқи, мартабаси бор. Аслида дарвешлар маънавий дунёсидан баҳра олиб, юксак маърифат ва ахлоқ эгаси бўлиш шарафли ишдир. Дарвеш нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунё лаззатларига қўл силтаб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Дарвеш ҳуррият мақомидаги энг юксак ҳол эгасидир:

*Дарвеш элига айлама таънаки, улар
Қандай туғилган эса – шундай ўлар.
Бир олам зар бергил-у, ол бир арпа –
Билмоқчи эрсанг кимлигини асли улар.*

Шоир руҳ эркинлиги, ишқ сархушлиги орзуси, факру фано каби тасаввуфий ҳолат ва кечинмаларни жонли тасвирлайди:

*Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлғай,
Дил дарди билан мард яна ҳам мард бўлғай.
Ўз ишқи ўтида у ёнаркан – бул дам
Дўзах ўти ўзгалар учун сард бўлғай.*

Шайх Кубро нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир занжир, деб ҳисоблайди. Инсоннинг вазифаси нафсни ўлдириб, ўзидаги ҳайвоний кучларни маҳв этиш, иродасини чиниқтириб, илоҳийлик касб этишдан иборат. Нафснинг ёмонлигини англаш – инсоннинг ўзини, демакки, илоҳийликни англашдир:

*Пинҳон эмас асло – ичда бир дев бордир,
Бошини кўтармоғи унинг душвордир.
Иймонини минг мартаба талқин қилдим:
Ул асли азал муслим эмас, куффордир.*

Нажмиддин Кубро талқинида ишқ илоҳий ҳис-туйғу бўлиб, ошиқ ўз маҳбубини кўргач, уни орзу қилади ва қалби безовта

бўлиб, завқ-шавқ уйғонади. Иштиёқ даражасига кўтарилган ишқ муҳаббат мақомига эришади. Бунда маҳбуб учун ўзидан кечган ошиқ жонини беришга тайёр туради, фанога етишади. Дўстдан нишон ва орифдан жон, яъни кимки ишқ билан ўлса, шундай ўлгани маъқул, ўлим билан тутамаган ишқда хайр йўқдир:

*Сўфий бўлиб, айла бир кеча оҳу фиғон,
Дунёни Яратган ҳаққи, қўзғол шу замон:
Ханжарни қўлингга олу эт ўзни шаҳид,
Ёр васлини истаса, нетар жисми жон...*

Кубро фикрича, Аллоҳнинг бандасига бўлган муҳаббати уни балолар билан синаши, банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббати унга таслим ва таъзим қилишидир. Агар ўзлик ниқобидан кечилса, ишқ, ошиқ, маъшуқ бирдир:

*Ишқингни бу мардония фарзона кўнгил
Бир сония тарк этмади, жонона, кўнгил.
Ишқ бодасини қўлимда тутган лаҳза
Лиқ тўлди жигар қонига паймона, кўнгил.*

Нажмиддин Кубро мутаассиблик ва зоҳирий расм-русумларга муккасидан кетишни ёқтирмаган. Аллоҳ ҳамма учун баробар, ҳамма унга интилади. Шу боис Шайх Кубро мазҳаблараро айирмачилик, ирқий ёки миллий ажратиш ва уларни пастга уришни қоралаб, инсоннинг маънавий олами юксалган сари у бутун инсоният тақдири ҳақида қайғурадиган, умрини яхшилик ва эзгу ишлар билан мазмунли ўтказишга интиладиган кишилар сирасига айланишга даъват этади.

Кубро ҳар дам илоҳий ҳақиқатлар ошкор бўлганда бошқа барча дунёвий ашъларнинг арзимаслигини эътироф этади. У тавҳид манбасига тамоман ғарқ бўлгани учун ўз зотини Ҳақнинг ягона зотида, сифатини Унинг сифатида, феълини Унинг феълида кўради, фақат бир (Аллоҳ)ни кўради, уни билади, ундан бошқа борлиқни кўрмайди.

Нажмиддин Кубро ҳақиқий борлиқ деб Аллоҳни билади ва ақл Аллоҳни билишга ожиздир деб ҳисоблайди. Ақл фақат

зоҳирий нарса ва ҳодисаларни билишга қодир, моҳият қалб билан англанади. Девона ошиқлар учун Каъба ҳам, бутхона ҳам бир. Ҳар лаҳзада минглаб дили куйган ошиқ ишқ савдосида Каъбадан бутхонага йўл олади. Кубро учун бутхона Аллоҳ васли, илоҳиёт ҳузуридир:

*Йўлингда ақл ҳадис ва афсона топар,
Кўйинг сари йўл одами девона топар.
Савдойинг ила мен каби минг дилсўхта,
Каъбадан қўл тортару бутхона топар.*



Мустақиллик туфайли ўтмиш маънавий меросимиз ҳақида ҳолис ва илмий асосланган тадқиқотларга кенг йўл очилди. Натижада миллий истиқлол мафкурасининг теран диний-фалсафий илдишларидан бири бўлган тасаввуф таълимоти ва шайх ул-машойих ҳаёти ва фаолияти жиддий ўрганила бошланди.

Дунё илму ирфони, маданияти ва маънавиятининг олтин бешикларидан бўлган қадим Хоразм фарзанди, кубровийлик тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти, қароматлари, саховату қаҳрамонликлари ҳақида эл орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Халқимиз ўзининг бу азиз ва табаррук фарзандини эъзозлаб, асрлар давомида номини хотирасида сақлаб келмоқда.

Шайх Нажмиддин Кубронинг муборак нафаслари Хоразм ерини раҳмоний нурга тўлдириб, илму ҳикмат, фалсафа, тиб, риёзат, тафсиру талқинлар баробарида ирфоний илмлар ҳам жорий бўлиб, кишилар қалбига илоҳий ҳикматлар ёғдуси кириб борди.

Шайх Нажмиддин Кубро сиймосида тафаккурий-ақлий билим билан ботиний-маърифий билим, донишмандлик, дунёвий заковат билан валийлик кашфиётлари муштарак бўлиб, унга авлиё ва муршидларнинг энг қомили, юксак мақомлар соҳиби, тавҳид, ҳақиқат ва қалб илмларининг билимдони деб таъриф берилган.

Кубровийлик нафақат Мовароуннаҳр, балки Эрон, Миср, Ҳиндистон, Ироқ ва Афғонистон ҳудудига ҳам кириб борган. Кубровийликдан фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, иғтишошия, нурбахшия, неъматуллоҳия каби янги тариқат шохчалари ўсиб чиққан.

Кубровийлик бутун Шарққа тарқалиб, шайхнинг истеъдодли муридлари донишмандлик, исломий ҳикмат, инсоний поклик ва илоҳий маърифат ғояларини турли миллат ва элатлар орасига ёйиб, ислом тафаккури ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Шайх Нажмиддин Кубро асрлар оша донишмандлик ва ҳикмат, ирфон ва заковат юлдузи бўлиб порлаб турибди.